

таснифи бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу жараёнларни тўғри ташкил этиш ва ҳисобини юритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Битта хомашё туридан бир нечта турдаги сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар олиниши, ушбу ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

2. Тадқиқот давомида ёғ-мой саноати тармоқлари маҳсулотлари икки бўлимга ажратилди: ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари ва ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари. Ёғ-мой саноатининг ушбу тармоқларида ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулотларининг таркиби белгилаб берилди.

3. Хорижий давлатлар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ўрганиб чиқилганда аниқ бўлдики, мамлакатларда ушбу жараёнлар ўхшаш ҳисобланади.

4. Олиб борилган тадқиқот натижасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тўртта босқичга ажратиш таклиф этилди, улар жумласига: асосий ишлаб чиқариш, тозалаш, ҳидсизлантириш ва қадоқлаш босқичлари. Ушбу босқичларда маҳсулотлар ўзининг сифати ва тузилишини ўзгартириб, бухгалтерия ҳисобида ҳам турлича тан олинади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнининг иккинчи босқичидан ўтган ва тайёр маҳсулот сифатида тан олинган “Рафинацияланган экстракция пахта ёғи” кейинги босқичларда яримтайёр маҳсулот сифатида топширилади ва ҳисобда тан олинади. Тадқиқот давомида ушбу жараёнлар расм кўринишида ифодаланди.

Бизнинг фикримизча, биз томонимиздан ушбу эришилган натижалар, хусусан, ёғ-мой ишлаб чиқариш жараёнларини тўртта босқичга ажратиш ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, уларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида аниқ акс эттиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2022 йил 24 январь. ПҚ-99-сон.
2. Шильцова Т.А. Комплексное управление производством побочной продукции предприятий масложировой промышленности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар, 2006. – 26 с.
3. Лукомец А.В. Эффективность и устойчивость производства подсолнечника (по материалам Краснодарского края). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Краснодар, 2013. --25 с.
4. Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. 2009. – 579 б.
5. Халикова М.М. Озиқ-овқат ёғлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни тадқиқ этиш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2021, 6-сон, ноябрь-декабрь.
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-munosabatlari-uz/>
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-tsikli-uz/>
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-texnika-nazorati-uz/>
9. <https://proiz-teh.ru/maslo-zhir.html>
10. Ёғ-мой корхонасининг техник назорат (лаборатория) бўлими маълумотлари.



“НАМАНГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ” КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ

Усубжонов Захриддин Васлиддан ўғли - таянч докторант, Наманган муҳандислик-технология институти, Маркетинг кафедраси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a43

Аннотация. Мақолада “Наманган вилоятида қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантириш омиллари тадқиқ этилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва савдоси, қурилиш хизматлари, лойиҳалаш, фан, таълим ва турдош соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш йўллари аниқланган. Вилоятда фаолият юритаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи субъектлар, лойиҳа ташкилотлари, қурувчи фирмалар ва маҳаллий давлат органлари масъул бўлимларининг кластерлаштиришдаги роли таҳлил этилган.

Калит сўзлар: кластер, саноат кластери, қўшимча қиймат занжери, технопарк, интеграл локализация коэффициенти, илмий блок, муҳандислик инфратузилмаси.

ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ КЛАСТЕРА «НАМАНГАНСКИЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И УСЛУГИ»

Усубжонов Захриддин Васлиддан ўғли – базовый докторант, Наманганский инженерно-технологический институт, кафедра маркетинга

Аннотация. В статье изучены факторы формирования кластера «Строительные материалы и услуги в Наманганской области», а также определены пути усиления кооперации производства и торговли строительными материалами, строительных услуг, дизайна, науки, образования и смежных сфер. Проанализирована роль предприятий по производству строительных материалов, проектных организаций, строительных фирм и ответственных подразделений местных государственных органов в кластеризации.

Ключевые слова: кластер, промышленный кластер, цепочка добавленной стоимости, технопарк, интегральный коэффициент локализации, научный блок, инженерная инфраструктура.

FORMATION PROCESS OF “NAMANGAN CONSTRUCTION MATERIALS AND SERVICES” CLUSTER

Usubjonov Zakhriddin Vasliddin o'g'li - is a basic doctoral student, Namangan Institute of Engineering Technology, Marketing department

Abstract. In the article, the factors of the formation of the cluster "Construction materials and services in Namangan region" are studied, and ways to strengthen the cooperation of construction materials production and trade, construction services, design, science, education and related fields are determined. The role of construction material producing entities, project organizations, construction firms and responsible departments of local state bodies in the clustering was analyzed.

Key words: cluster, Industrial cluster, value added chain, technopark, integrated localization coefficient, scientific block, engineering infrastructure.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПФ-6244-сонли) фармони мувофиқ Республикада 24 та туманни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш белгиланди. Унга кўра Наманган вилоятининг Уйчи, Учқўрғон, Чуст туманлари пардозбоп ғишт ишлаб чиқаришга ва Поп тумани табиий тошни қайта ишлаш, пардозбоп плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви белгиланган [1].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш ва 5 млрд. АҚШ долларилек лойиҳаларни амалга ошириш орқали қурилиш материаллари соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди. Бунда худудларда 14 та уй-жой қурилиш кластерлари ва 8 та ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш белгилаб қўйилди [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Кластер” назариясининг асосчиси, америкалик олим Майкл Портер томонидан унга қуйидагича таъриф берилган: “Кластер – умумий фаолият билан ажралиб турадиган ва ўзаро бир-бирини

тўлдирувчи маълум бир худудда ишлайдиган географик жиҳатдан қўшни ўзаро боғлиқ компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳи” [3].

М.Портер, асосан, маҳаллий бозор ва экспортга йўналтирилган компаниялар кластерларини (ҳатто, минтақалараро савдо доирасида ҳам) ажратиш кўрсатишни таклиф қилади. Бундан ташқари жаҳоннинг бошқа кўплаб етук олимлари томонидан “кластер” назарияси ўрганилган.

М.Энрайт фикрига кўра: “Минтақавий кластерлар кластерга аъзо бўлган фирмалар бир-бирига географик жиҳатдан яқин жойлашган sanoat кластеридир. Минтақавий кластер бир ёки бир нечта тегишли соҳаларда ишлайдиган фирмалар гуруҳининг жуғрофий агломерациясидир” [4].

Д.А.Ялов эса қуйидагича таърифлайди: “Етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, sanoat инфратузилмаси элементлари қўшимча қиймат занжирини яратиш жараёнида ўзаро боғлиқ бўлганлиги кластердир [5]. Т.В.Циханнинг фикрига кўра, “Кластер – фирмалар яқин атрофидаги соҳалар бир-бирининг рақобатбардошлиги ўсишига ҳисса қўшиши” [6].

Майкл Энрайт кластерларнинг ривожланиш даражасига қараб бир неча тоифаларини ажратади [7].

1. Ишчи кластерлар.
2. “Яширин” кластерлар.
3. Потенциал кластерлар.

4. Давлат ёрдами билан кластерлар.

5. Ишончли фикрлаш кластерлари.

Европа Иттифоқи комиссиясининг “Smart Guide to Cluster Policy” – “Кластер сиёсати бўйича ақлли қўлланма”сида кластерни аниқлаш учун 8 та энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- минтақадаги ташкилотларнинг саноат ихтисослашуви ва уларнинг ҳажми, шу жумладан, соҳадаги ишчилар сони;

- ишлаш кўрсаткичлари, шу жумладан, иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги даражаси, шунингдек, янги компанияларнинг пайдо бўлиш динамикаси;

- минтақа рақобатбардошлигининг умумий кўрсаткичлари ва тегишли кластерларнинг мавжудлиги билан тавсифланган минтақавий контекст;

- кластер ташаббускорлари ва минтақавий ижтимоий капиталнинг мавжудлиги ва кучи сифатида белгиланган ҳамкорлик даражаси;

- бошқа таркибий омилар, шу жумладан, кластерлардаги компанияларнинг тузилиши ва шу кабилар.

Кластер ташаббуслари бўйича олиб борилган энг йирик тадқиқотлар иккита – “Зеленые книги” – “Yashil kitob” бўлиб, бири 2003 йилда, иккинчиси 2013 йилда чоп этилган бўлиб, унда дунё бўйлаб 350 дан ортиқ кластер ташкилотлари ишининг таҳлили мавжуд.

Кластернинг мавжудлиги маҳсулдорлигининг кўпайиши ва инновациялар қобилятини оширишга олиб келади. “Кластернинг мавжудлиги компанияларнинг рақобатбардошлигини урта йўл билан оширади: самарадорликни ошириш, инновация қилиш қобилятини ошириш ва янги компанияларнинг пайдо бўлиши ортади, бу эса янада катта инновациялар ва кластер кенгайишига ёрдам беради”[8].

Европа Иттифоқида ўтказилган тадқиқотларга кўра, кластер ташаббусида иштирок этишнинг афзалликлари орасида минтақавий компаниялар қуйидаги имкониятларга эга бўлади: тадқиқот марказлари билан яхши ҳамкорлик; бошқа компаниялар билан ўзаро муносабатлар; тадқиқотни қўллаб-қувватлаш, технология ва инновациялар билан боғлиқ энг яхши хизматлардан фойдаланиш; қўшма лойиҳалар учун маблағлардан фойдаланиш имконияти; халқаро бозорларга чиқиш хизматларидан фойдаланиш ва шу кабилар [9].

Россиялик олимлар – С.В.Василий, К.А.Вера, И.В.Владимир ўз тадқиқотларида қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришда кластер назариясидан фойдаланиш, иқтисодий районларда қурилиш материаллари кластерини ташкил этиш ва уни ривожлантириш ма-

салалари, саноатда кластерларни шакллантириш усуллари ва ривожлантириш масалаларини ўрганишган.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва корхона рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотлар экспортини янада самарали ташкил этиш, амалга оширилаётган қурилиш ишлари таннархини пасайтиришга “кластер” назарияси орқали эришиш йўллари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш масалалари етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Тадқиқот методологияси. Мавзу доирасида хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилди. Тадқиқотда қурилиш материаллари саноати, қурилиш ишлари кўрсаткичлари бўйича расмий статистика маълумотларидан фойдаланилди. Иқтисодчи олимларнинг фикрлари ҳамда қонунчиликдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари қўлланган ҳолда мавзу бўйича тадқиқот олиб борилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ҳозирги кунда энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммоси ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши ҳар бир нафар аҳолига 16,6 кв м ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Наманган вилоятида 16,5 кв м. Юқорида келтирилган кўрсаткич Европа давлатлари ва АҚШда қуйидагича: Германияда 39 кв м, Россияда 25,8 кв м, Польшада 25 кв м, Туркияда 17 кв м ва АҚШда 70 кв м га тўғри келмоқда” [10].

Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш хизматларини жадал ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, қурилиш материаллари бозорини замонавий маркетинг стратегияларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш зарурати мавжуд. Бундан ташқари вилоятда қуйидаги масалалар ҳам ўз ечимини кутмоқда:

- ✓ корхоналар учун ишлаб чиқариш соҳалари бўйича миллий ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура ўзгаришлари ҳақида ахборотлар тайёрловчи консалтинг хизмати йўлга қўйилмаган;

- ✓ кичик корхоналар тайёр маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга сотиш муаммоларига дуч келмоқда, уларга улгуржи савдо хизмати кўрсатиш бўйича махсус фирмалар деярли йўқ ва борларининг ҳам фаолиятини самарали ташкил эта олмаяпти;

- ✓ чет мамлакатларида “Савдо уйларини” ташкил этиш, экспорт ва импорт билан боғлиқ бўлган, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, суғурта, божхона ва банк хизматлари кўрсатишни кичик ва хусусий бизнес субъектла-

ри учун соддалаштириш, улардан фойдаланиш жараёнлари рекламасини кўпроқ ташкил этиш ва корхоналар фаолиятига яқинлаштириш та-лаб этилмоқда;

✓ олий таълим тизимида ўқув-лаборатория базаларини модернизация қилиш ва янги қурилишлар бўйича мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, аммо амалий-илмий жараёнларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун ишлаб чиқариш корхоналарида янгиланаётган технологик жараёнлардан фойдаланиш учун кўпчилик хусусий корхоналар билан олий таълим тизими ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш масалалари ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Мазкур муаммоларни иқтисодиёти ривожланган давлатлар даражасида ҳал қилишнинг

асосий йўналиши “Кластер назарияси”га асосан ҳудудларда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган “инжиниринг”, “маркетинг”, “консалтинг”, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, суғурта, банк, божхона хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ягона интеграциялашган инновацион механизмини яратишдан иборат, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун Наманган вилоятида “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантириш ва иш фаолиятини ташкил этиш зарур, чунки ҳозир Наманган вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қурилиш ва савдо хизматлари алоҳида-алоҳида йўналишда ривожланмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Наманган вилояти Қурилиш материаллари саноати, лойиҳалаш, савдо ва фан-таълим соҳаларида фаолият юритаётганлар сони (2020 йил)

Қурилиш материаллари саноатида фаолият юритаётган корхоналар сони 1089	Ишчи сони 4829	Ишлаб чиқариш, (млн. сўм) 570824,2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %да 5,2
Наманган муҳандислик-қурилиш институти	Профессор-ўқитувчилар сони 300	Факультетлар сони 7	Кафедралар сони 27
Наманган вилоятида фаолият юритаётган лойиҳалаш ташкилотлари		47 та	
“Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо комплекси” МЧЖ да фаолият юритаётган қурилиш материаллари савдо шаҳобчалари сони		900 дан ортиқ	

Манба: интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Наманган вилоятида 2020 йил давомида жами 6577 та саноат корхоналари фаолият олиб борди, шундан 16,5 фоизи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар улушига тўғри келади. Вилоятдаги Наманган муҳандислик-қурилиш институти томонидан қурилиш ва қурилиш материаллари корхоналари учун қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, архитектуравий ва дастурий лойиҳалаш, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, биноиншоотлар қурилиши, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаси, информатика ва ахборот технологияси, шаҳарсозлик ва коммунал инфратузилмани бошқариш, метрология ва стандартлаштириш, иқтисодиёт, менежмент каби соҳаларда кадрлар тайёрланмоқда.

Наманган вилояти ўзининг жойлашуви, геологик имкониятлари жиҳатидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жуда қулай ҳудуд ҳисобланади. Сабаби бу ерда минерал хомашё ресурслари мавжуд. Вилоятда қурилиш материаллари саноатини ри-

вожлантириш дастури асосида амалга оширилиши режалаштирилиётган лойиҳаларнинг кўпчилиги цемент, қурилиш ойнаси, пардозбоп тошлар, қуруқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга асосланган, чунки хомашёсининг катта захиралари мавжуд. Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш орқали мавжуд корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, пишган ғишт ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ўз имкониятининг 44 фоизидан, лак-бўёқ маҳсулотлари бўйича 53 фоиз, қуруқ қурилиш аралашмаси ишлаб чиқариш 72 фоиз, керамик плитка 86 фоиз ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 25 дан зиёд асосий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Наманган вилоятини 2022-2026 йилларда ривожлантириш режасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 1128.3 млрд. сўмга етказиш прогноз қилинган ва бу 2020 йилга нисбатан 2 баробар ўсишга эришилади

Наманган вилояти Қурилиш материаллари саноатининг 2022-2026 йилларда ривожланиши прогнози кўрсаткичлари таҳлили

Йиллар	Ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўмда)	Ўсиши, %
2021	741,25	100,0
2022	889,5	120,0
2023	942,9	106,0
2024	1004,2	106,5
2025	1064,4	106,0
2026	1128,3	106,0

Сўнгги йилларда вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналар ишга туширилди. Жумладан, 2020-2021 йилларда “Por sement” МЧЖ томонидан йилига 300 минг тонна сифатли цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод ишга тушурилди. Лойиҳа умумий қиймати 27,8 млн. доллар бўлиб, 21 млн. доллар хорижий инвестиция жалб қилинган. “Namangan sement” МЧЖ йиллик қуввати 1 млн. 100 минг тонна цемент ишлаб чиқаради. Лойиҳа умумий қиймати 49 млн. долларни ташкил этди. “Factory Cement” МЧЖ томонидан сифатли цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, лойиҳа умумий қиймати 19,9 млн. доллар бўлиб, 9,9 млн. доллар хорижий инвестиция жалб этилган. “OYDIN MEGA GLASS” МЧЖ томонидан ойна ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш, “ECO BASALT” МЖЧ томонидан базальт тошини қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Юқоридаги корхоналар вилоят саноатида катта ўрин эгалламоқда, келгуси йилларда вилоятнинг 4 та тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда ва унда пардозбоп тошлар ишлаб чиқариш ривожланиши кутилмоқда.

Вилоятда “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантириш натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

Кластер шаклланиши вилоят ҳокимлиги учун қуйидаги натижаларни беради:

- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, қурилиш хизматларининг ягона бошқарув тизими яратилади;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги ошади ва аҳолининг обод турмуш даражасига эришиш учун қўшимча имкониятлар яратилади;
- кластерларда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш натижасида вилоят қурилиш материаллари бозори ривожланади;
- қурилиш материаллари импорт ҳажми камаяди ва экспорт ҳажми ортишига эришилади;

- вилоят қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари қувватидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади;

- кластерларда иштирок этаётган корхоналар ходимлари кластерлардан ташқаридаги ўхшаш лавозимдаги ҳамкасбларига қараганда анча кўпроқ маош олишади;

- мазкур соҳада аҳоли бандлик даражаси ортади.

Кластер шаклланиши натижасида вилоятда фаолият юритаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари учун:

- ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий ва жаҳон бозорларидаги рақобат муҳитини илмий таҳлил қилиб бориш ва натижалари ҳамда янги технологиялар бўйича ахборотлар билан таъминланади;

- товарлар моделини “Яратиш” → “Ишлаб чиқаришга жорий этиш” сотиш вақтини қисқартиришга эришилади;

- товарлар рекламасини ташкил этиш ва сотиш усуллари такомиллаштириб борилади;

- корхоналардаги ўхшаш (бир хил) технологик жараёнларни бажариш учун технология (дастгоҳ)дан умумий ҳамкорликда фойдаланиш ташкил этилади (лизинг);

- ички ва жаҳон бозорларининг қурилиш материаллари соҳасидаги ўзгаришлари тенденцияларини маркетинг тадқиқотлари орқали аниқлаб бориш натижасида корхоналар рақобатбардошлиги ошириб борилади;

- товарларни сификатлаш, инжиниринг, ҳуқуқий, божхона хизматлари ва бошқа сервис билан таъминланади;

- “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантириш натижасида корхоналар фаолияти маҳаллий ва жаҳон қурилиш материаллари бозоридаги конъюнктура ўзгаришларига мувофиқлаштириб борилади.

Вилоятдаги олий таълим муассасалари учун:

- институт ўқув-услубий ҳамда илмий жараёнлар ишлаб чиқариш билан боғланади;

- соҳага оид илмий-технология ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тажрибасинов бўғини шакллантирилади;
- институтда таълим сифати ва илмий салоҳиятдан фойдаланишни юқори даражага кўтаришга имкон яратади;

- корхоналар билан кадрлар тайёрлаш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолашга имкониятлар яратилади;
- ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган сўнгги техника-технологиялар билан амалий машғулотлар давомида танишилади.

3-жадвал

Наманган вилоятида 2020 йилда амалга оширилган қурилиш ишлари кўрсаткичлари таҳлили (млн сўм)

	2020 йил	2019 йил	Ўсиш суръати, %	Жамидаги улуши
Вилоят бўйича жами қурилиш ишлари	4 491 809,60	3 470 975,30	129,4	100
Йирик корхоналар	390 517,90	160 876,20	242,7	8,7
Кичик корхона ва микрофирмалар	2 550 572,50	2 177 031,40	117,2	56,8
Якка тартибда уй-жой қуриш секторлари	1 389 152,00	1 009 525,40	137,6	30,9
Хусусий қурилишлар	161 567,20	123 542,30	130,8	3,6

Манба: Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан узвий алоқада бўлган қурилиш саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Наманган вилоятида амалга оширилаётган қурилиш ишлари таннархини пасайтириш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бозорлар топиш ва керакли маркетинг тадқиқотлари ўтказувчи, вилоятда мавжуд бўлган ОТМлар илмий салоҳиятидан фойдаланиш ва улар фаолиятини ишлаб чиқариш билан узвий боғловчи “кластер” ташкил этиш лозим.

Наманган вилоятида ҳудудий қурилиш материаллари ва хизматлари кластерининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш мақсадида россиялик олимлар А.Г.Гранберг ва бошқалар [11] томонидан ишлаб чиқилган “интеграл локализация коэффициенти”ни аниқлаш усулидан фойдаланилди.

Ҳудуд бўйича интеграл локализация коэффициенти (K_{sam}) қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{sam} = \sum_{i=0}^n K_i(sam);$$

Бунда:

i – таҳлилга киритилган индикаторларнинг тартиб рақами;

n – таҳлилга киритилган индикаторлар сони;

$K_i(sam)$ – ҳудуд бўйича интеграл локализация коэффициенти.

Ушбу кўрсаткич мамлакат даражасида (**Kuz**) қуйидагича аниқланиши тавсия қилинган:

$$Kuz = \sum_{i=0}^n K_i(uz);$$

Бунда:

$K_i(uz)$ – мамлакат даражасидаги интеграл локализация коэффициенти.

Агар $K_{sam} > K_{uz}$ бўлса, Наманган вилоятида қурилиш материаллари ва хизматлари кластерининг шаклланиши жараёни мавжудлиги борасидаги хулоса тасдиқланади. Ҳудуд миқёсида қурилиш материаллари ва хизматлари кластерини ташкил этиш учун қуйидаги индикаторлардан фойдаланилди (4-жадвал).

4-жадвал


“Қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини ташкил этиш омиллари таҳлили (2020 йил)

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси	Наманган вилояти
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш улуши, %	6	5,2
2.	Чакана савдо айланмасида қурилиш материаллари чакана савдоси улуши, %	4,2	4,6
3.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромадлар ўсиш кўрсаткичи, %	12,7	13,6
4.	Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси (бир нафар аҳолига тўғри келадиган уй-жой майдони) кв м	15,5	16,5
5.	Қурилиш ишлари ўсиш кўрсаткичи (2019-2020)	23,8	29,4

Манба: Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотлари асосида хулоса қилинадиган бўлса, Наманган вилоятида “Қурилиш материаллари ва хизматлари кластери”ни ташкил этиш омиллари Республика кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги аниқланди. Вилоятда қурилиш материаллари ва хизматлари

соҳасига ихтисослашув даражасининг юқорилигини мамлакат ва Наманган вилояти бўйича “Интеграл локализация кўрсаткичлари” асосида ҳисобланган коэффицентларнинг графикдаги таҳлили ҳам тасдиқлайди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Наманган вилоятининг қурилиш материаллари ва хизматлари соҳасига ихтисослашганлик индекслари ва ҳудудий локализация коэффицентларининг таққослама таҳлили

Кластер назариясига асосланган “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерининг бошланғич лойиҳаси.

Ташаббускорлар: Наманган вилояти ҳокимияти, вилоят Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, Наманган вилояти Қурилиш бошқармаси, Наманган муҳандислик-қурилиш институти.

Лойиҳа қатнашчилари таркиби: вилоятдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қурилиш фирмалари, қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланувчи савдо ташкилотлари, консалтинг фирмалари, реклама агентликлари, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган муҳандислик-технология институти.

Лойиҳа мақсади: вилоятда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари рақобатбардошлигини янада оширишга имкониятлар яратувчи, корхона ва фирмалар билан ягона технологик занжирда (алоқада) бўлган сервис, илмий ва таълим соҳалари ўзаро интеграциялашувига асосланган “Кластер” тизимини шакллантириш.

“Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантиришнинг босқичлари:

- “Мувофиқлаштирувчи кенгашни” шакллантириш;
- ижро бошқарувини тузиш;

• “Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластери иштирокчиларини танлаш;

- стратегияни ишлаб чиқиш;
- шартномавий муносабатларни ўрнатиш;
- инвестиция лойиҳасини тузиш;
- фаолиятни ташкил этиш ва назорат.

Молиялаштириш манбалари: лойиҳа маҳаллий ва хорижий хусусий тадбиркорлар, ҳомийлар ва давлат маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Ташкилий тузилишлари ва асосий кўрсаткичлари: технопарк мақомидаги “Кластер”ни бошқарувчи-ижрочи директорининг бош вазифаси иштирокчиларга бизнес ва сервис хизматларини кўрсатишдан иборат.

“Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерининг юқори бошқарув органи – вилоят ҳокими ўринбосари раислигидаги “Мувофиқлаштирувчи кенгаш”.

“Наманган қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерининг ҳуқуқий асоси Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш, қурилиш материаллари савдосини ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан

самарали фойдаланишни ташкил этиш учун вилоятда қурилиш материаллари кластерини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз:

- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, қурилиш хизматларининг ягона бошқарув тизимини ташкил этиш;
- жаҳондаги ривожланган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерлари фаолиятини чуқур ўрганиш ва улар билан алоқалар ўрнатиш;

- вилоятдаги туманлар ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир туманда кластерлар жорий этиш ва уни туманни ривожлантириш “драйвери”га айлантириш;

- вилоятдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар, қурилиш ташкилотлари ва қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланувчиларни ягона “қурилиш материаллари савдоси online платформаси”га бирлаштириш ва қурилиш материаллари савдосини ривожлантириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. Lex/uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги (ПФ-6244-сонли) фармони. Lex/uz
3. *Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance.* – New York: The Free Press, 1985 (2nd ed. – New York: Free Press, 1998. – 592 p. ISBN 978-0-684-84146-5); русск. пер.: Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. / Пер. с англ. Е.Калининой. – М.: Альпина Паблишер, 2008 (2-е изд. 2008). – 720 с. ISBN 978-5-9614-0760-0.
4. Гаджиев Ю.А. Новые формы территориальной организации производства и другие теории регионального экономического роста и развития. // Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. 2008. № 3. URL: <http://www.koet.syktu.ru/vestnik/2008/2008-3/3/3.htm>.
5. Ялов Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием. // Subcontract.ru: портал информационной поддержки малого и среднего производственного бизнеса. 2003-2009. URL: http://www.subcontract.ru/Docum/DocumShow_DocumID_17.html.
6. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития. // Subcontract.ru: портал информационной поддержки малого и среднего производственного бизнеса. 2003-2009. URL: http://www.subcontract.ru/Docum/DocumShow_DocumID_168.html.
7. Enright M.J. Regional Clusters: What We Know and What We Should Know. *Advances in Spatial Science*, 99-129. doi:10.1007/978-3-540-24760-9. 2003.
8. Porter M. *Clusters and Competition, New agendas for Companies, Governments and Institutions.*
9. *Cluster programmes in Europe and beyond, European Observatory for Clusters and Industrial Change, may 2019,* URL: <https://gidnuzen.ru/obespechennost-zhilem-po-stranam-mira-2020/>
11. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник для вузов. – М.: ГУ ВШЭ, 2000; Мищенко В.В. Экономика регионов. Учебное пособие. Изд-во Алтайского гос. ун-та. 2002. – 160 с.
12. <https://www.eucluster2019.eu/files/events/4538/files/eocic-cluster-programme-report.pdf>
13. namstat.uz
14. lex.uz



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a44

Эрназаров Гулам Бекбаевич -
Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлари номзоди (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти статистик кузатувлар асосида ўрганилиб, унинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, мазкур соҳанинг республика миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, ЯИМдаги улуши ва унинг ривожланиш динамикаси статистик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.